

## ЛИБОС ВА МАТО НОМЛАРИГА ОИД ЛЕКСЕМАЛАР

Нарматова Манзура Тулагановна

ўқитувчи

Жиззах давлат педагогика университети

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7771537>

**Аннотация:** Ушбу тезисда либос ва мато номларига оид лексемаларнинг этимологик хусусиятлари, қўлланиш қамрови ва уларнинг “Малика айёр”, “Баҳром ва Гуландом” дostonларидаги лисоний матнлар таҳлил этилган.

Халқ дostonлари тилидаги кийим-кечак, либос ва мато номларига оид лексемалар қўлланилиши жиҳатида кўра узоқ тарихга эга. Улар муайян жамият тараққиёти ва кундалик, маиший ҳаётдаги ўзгаришларга мос равишда тилимизнинг олтин сандиқларидан муносиб ўрин олган, айримлари четдан сўз ўзлаштириш орқали фаол сўзларга айланиб қолган. Уларнинг бир қисми қадимги ёзма ёдгорликларда, қўлёзма асарлар матнида мавжуд бўлса, яна бир муайян қисми ўзбек шеваларида, оғзаки сўзлашув нутқида учрайди. Ўз-ўзидан аён бўладиги, даврлар бирин-кетин ўтиши билан кийим-кечакни ифодаловчи бир қатор сўз бирликлари архаиклашган. Биз учун энг муҳими умумтуркий бўлган кўпгина кийим-кечак, либос ва мато номлари бугунги кунда ҳам туркий тилларда, жумладан, миллий тилимизда ҳам қўлланилиб келмоқда. Либос арабий ўзлашма сўз бўлиб, у “кийим,уст-бош” (ЎТИЛ, II, 496-бет) маъносини ифодалайди, қадимги туркий тилда ҳам, ҳозирги адабий тилда ҳам фаол қўлланган. Мато лексемаси ҳам арабий ўзлашма сифатида “мол,буюм,нарса” (ЎТИЛ, II, 557-бет) маъноларини билдириб, тилимизда азалдан фаол қўлланган. Биз ўрганган халқ дostonлари тилида ҳам либос ва мато номлари қўлланган. Масалан, “Малика айёр” дostonида *либос* лексемасининг фақат ўзи уч марта, *либос-тўшакларидан* варианты икки марта, шунингдек, *либосин*, *либосини*, *либослар*, *либосларни* каби шаклдошларининг ҳар бири бир мартадан қўлланганлиги аён бўлди: уларнинг ҳаммасида кийим, уст-бош; буюм маъноларини ифодалаш устувор. “Баҳром ва Гуландом” дostonида либос лексемасининг қўлланиш даражаси таъкидланган дostonдагидек: *либосим*, *либослар* икки мартадан, *либосим*, *либосини*, *либослардан* каби шаклдошлари бир мартадан қўлланган холос.

Халқимизнинг кундалик-маиший турмушида матонинг хилма-хил турлари жорийланган ва амалда қўлланган: адрас, кимхоб, духоба ва ҳоқозо. Бундай мато турлари халқ дostonларида жумладан биз ўрганган дostonлар матнида ҳам учрайди. Биз қуйида уларнинг айримларини кўздан кечирамиз:

**Кимхоб:** майин ипақдан тўқилган мато номини билдириб бу лексема аслида арабий ўзлашма бўлиб тилимизда ва халқ дostonларида фаол қўлланган. Аслида ўрими ипақ, арқоғи зардан тўқилган мато: шу матодан тайёрланган тикилган буюм (ЎТИЛ, II, 367-бет) сифатида қадрланган (масалан, кимхобтўн, кимхоб тўшак каби). Биз ўрганган “Малика айёр” дostonида отнинг аслаҳаларидан бири терликнинг кимхобли эканлиги таъкидланган: Бисмилло деб солди отнинг белига, Кимхоби майиндан бўлган терликни (М.а.23-бет)

Биз ўрганган “Баҳром ва Гуландом” дostonида ҳам *кимхоб*, *кимхоби* лексемалари бир мартадан қўлланган: *Ўзининг мартабасига қараб атлас*, *кимхоб*, *қимматбаҳо либослар*

тўшалган (Б.Г.36-бет). Душман чиқса Баҳром қилар зўрликни, Шу вақтида солди отнинг устига, **Кимхоби** майндан бўлган терликни (Б.Г.16-бет).

Кўрамизки, ушбу матннинг дастлабкисида *атлас*, *кимхоб*, *либос* лексемалари ўринли қўлланган ва муайян функционал семантик вазифани бажарган, энг асосийси, буюм, нарса маъноларини ифодалаган. Қуйидаги матнда эса кийим, уст-бош маъносида қўлланганлигини кузатдик: *Давлатим бор*, атлас-кимхоб *кияман Қош чимириб қовоғимни уяман* (Б.Г.111-бет).

Атлас: асли арабий ўзлашма бўлган бу лексема текис, силлиқ; ипакдан тўқилган майин мато (ЎТИЛ, I, 114-бет) номини ифодалайди. Халқимизнинг орасида бир томони ялтироқ, гулдор, кудунгланган маҳаллий ипак газлама сифатида азалдан қадрланган. Энг муҳими, у либос ва мато номларига оид лексемалар ичида энгфаол қўлланади. Биз ўрганган “Малика айёр” достонида атлас лексемаси умуман қўлланмаган. Лекин “Баҳром ва Гуландом” достонида *атлас* лексемасининг ўзи бир мартагина қўлланган: унда ҳам ипакдан тикилган майин мато маъносини ифодалаган.

Бахмал: асли форсий ўзлашма сўз бўлиб, тукли: духоба, бархит (ЎТИЛ, I, 178-бет) маъносини ифодалайди, кийим, либос ва мато номларига оид лексикада, халқ оғзаки нутқида ва кундалик-маиший турмушда ҳам фаол қўлланади. Бахмал лексемаси биз ўрганган “Малика айёр” достони матнида бирор марта учрамади, яъни қўлланмаган. Тадқиқот объектимизнинг иккинчисида, “Баҳром ва Гуландом” да фақат бир мартагина, у ҳам бўлса, кўчма маънода қўлланганлигини кузатдик: *Майдон бўлмай бедов отлар чопилмас, Чопган отга бахмал гуллар ёпилмас* (Б.Г.106-бет).

Бахмал маъносини жами халқ орасида баъзи шеваларда духоба номи билан аталади; баъзи ҳудудлар аҳолиси ўртасида бахмал-духоба тарзида ҳам қўлланиш ҳолатлари учрайди. Аслида духоба соф туркий сўз бўлиб, халқ орасида “орқаси ип, юзи текис ва қалин ипак туклар билан қопланган мато: бахмал, бархит” (ЎТИЛ, I, 670-бет) номи билан машҳур. Биз ўрганган дostonларнинг ҳар иккаласида ҳам духоба лексемаси қўлланмаган. Лекин айрим ўринларда мазкур сўз бирлигининг синонимии бўлган бонот лексемаси халқ оғзаки ижоди намуналарида қўлланганлигини кузатамиз. Масалан, “Ҳавода учиб юрган қанот бўлсам, бозордан ярқираган бонот бўлсам” (Оқ олма, қизил олма): Тўрванг бонот, емишинг кишиши, ҳай-ҳай, тактак ўзбекнинг оти (“Тулихиромон”) каби.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда тилимизда фаол қўлланадиган, ҳамма учун тушунарли бўлган ва халқ дostonлари матнида учрайдиган кийим-кечак, либос ва мато номларини ифодаловчи лексемаларни ҳам қўлланилиш доираси, этимологияси ва этнолингвистик таҳлил қилиш ниҳоятда долзарб вазифа ҳисобланади.

### References:

1. Б.Г. – Баҳром ва Гуландом. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986.
2. М.а. – Малика айёр. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988.
3. ЎТИЛ – Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш томлик. –Тошкент: ЎзбМЭ., 1- жилд, 2006. 680 б.
4. ЎТИЛ – Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш томлик. –Тошкент: ЎзбМЭ., 2- жилд, 2007. – 688б.